

**ФАЛСАФИЙ АНТРОПОЛОГИЯДА МАКС ШЕЛЕР
ҚАРАШЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Каримов Санжар Синдорқулович

Жиззах давлат педагогика университети

катта ўқитувчиси

Тел: +99890-229-18-15

e-mail: haqiqiysanjar@mail.ru

Аннотация: Мазкур мақолада таниқли немис файласуфи, диний-фалсафий антропологиянинг асосчиларидан бири Макс Шелернинг фалсафий антропологияга оид қарашлари таҳлил қилинади.

Калит сўзлар: Фалсафий антропология, инсон, қадриятлар, кризис, Теологик антропология, рух, жўшқинлик.

Фалсафий антропология (грекча antropos-одам ва logos- таълимот) – XX аср фалсафасидаги таъсирли йўналишлардан бири. Фалсафий антропологиянинг барча изланишлари инсонга, фақат инсонга қаратилгандир. Мана шу маънода ушбу фалсафа антропоцентрик фалсафий таълимот деб аталиши мумкин. Ушбу фалсафада борлиқдаги барча масалалар инсонга олиб келиб боғланади. Инсонга оламдаги барча нарсаларни марказий нуқтаси, деб қаралади. Фалсафий-антропологик таълимотлар хилма-хил кўринишга эга. Улар ичида диний ва биологик йўналишлар асосий ўрин тутади.

Макс Шелер(1874-1928) таниқли немис файласуфи, диний-фалсафий антропологиянинг асосчиларидан бири. Шелер ўз асарларида ҳозирги ғарб жамияти кризис ҳолатида эканлигини ва бу кризисдан чиқиши йўлларини кўрсатиб беришга ҳаракат қиласди.

Шелер жамиятдаги кризислар, ижтимоий зиддиятлар ва бошқа барча қарама-қаршиликлар – аслида инсон кризисининг намоён бўлишидир, деб ҳисоблайди. Шелер фикрича, ҳеч бир даврда инсон XX асрдагидек муаммоли бўлмаган эди. Инсоннинг мана шундай ҳолатга тушиб қолганлигининг сабаби турли антропологик илмларнинг (теология, фалсафа, табиатшунослик) инсонни ўрганишда чегараланганигиди, бир ёқламаликлидир, дейди Шелер. Теологик антропология Шелер фикрича, инсонга иудейлик ва христианлик анъаналаридан келиб чиқсан ҳолда ёндашади. Фалсафий антропология эса асосан, инсоннинг ўз-ўзини англашига эътибор қаратади. Булардан фарқли равишда табиий-илмий антропология (табитшуносликнинг барча соҳалари ва генетик психология) инсоннинг биологик томонларига, унинг бошқа мавжудотлардан фарқли жиҳатларига эътибор қаратади.

Шелер мана шу тарзда бир ёқламалиқдан ҳоли бўлган, инсоннинг барча жиҳатларини бир бутун сифатида ўрганадиган – фалсафий антропологияни яратишга ҳаракат қиласи.

Шелер антропологиясининг иккита муҳим қоидаси бор: биринчиси, Шелернинг “инсон ва жамият” системасида инсон унинг олам билан барча алоқалари кесишадиган, қандайдир, бош марказ бўлиб ҳисобланади. У мана шу марказнинг – инсоннинг шахсий борлигининг моҳият-мазмунини очишга, инсоннинг олам маркази сифатида алоҳидалигини (ноёблигини) ўз тақдирини ўзи белгилашлигини (эркинлигини) ва ўз-ўзини бошқаришлигини аниқлашга ҳаракат қиласи. Бу жараёнда шахснинг ҳақиқий борлиғи сифатида муҳаббат (борлиққа меҳр) намоён бўлади, иккинчиси, инсонни мавжудлик сифатида ифодалайдиган унинг икки таркибий қисми ҳақидаги тасаввурлардир. Инсоннинг моҳиятини ташкил этувчи атрибулардан биринчиси, жўшқинликдир. Жўшқинлик – бу инсоний майл, жазава, яъни инсоннинг табиий-биологик томонлари билан боғлиқ бўлган барча ҳодисалардир. Иккинчиси, рух – бу ақл ва кечинмалар билан боғлиқ бўлган –

эзгулик, муҳаббат, хурмат, тавба – умуман органик ҳаёт босимларидан холи бўлган барча инсоний жиҳатлар.

Шелер қарашларига кўра инсонни инсон қилувчи сифатлар, ҳаётдан ташқарида бўлади. Бу – руҳдир. Руҳ ҳаммасига қарама қарши туради, чунки руҳ табиатдан юқори. У худодан келиб чиқади. Бошқача айтганда, Шелерда инсон, худо билан боғлиқ бўлган руҳий мавжудотdir. Сўз туфайли илоҳий руҳ мазмуни индивидуал онг мулкига айланади.

Шелер инсоннинг моҳиятини ташкил қилувчи икки атрибутни: жўшқинлик ва руҳни қайд эта туриб, инсонни эмпирик таърифлашнинг чекланганлигига барҳам беради. Руҳ инсонни инсон қилувчи иррационал негиз – жўшқинликни юзага келтиради. Худди шунинг учун ҳам, шахс – қадриятлар ўзаро кесишуvinинг конкрет бирлигидир. Бунда қимматдорлик қатламлари ҳар бир шахсада мужассам бўлади, лекин худодан келиб чиқади. Инсондаги асосий хусусият, унинг худога интилишидадир, дейди Шелер. Шунинг учун энг такомиллашган инсон, авлиё деб ҳисобланади, деб таъкидлайди файласуф.

Шелер, барча қадриятлар (диний, фалсафий, илмий, эстетик ва бошқа) инсонга, у жамиятда яшаётганлиги учун берилганини тан олади. Аммо, қадриятларнинг шахс томонидан идрок этилиши – ижтимоий шартшароитлар таъсирида содир бўлишини Шелер тан олмайди. Унга кўра, ушбу қадриятлар индивиднинг антропологик ядросида азалдан ўрин эгаллаган.

Шелер Ғарбий Европа жамиятини – аҳлоқий, фалсафий ва диний қадриятларга етарли даражада аҳамият бермаётганлиги учун танқид қиласди. Ушбу қадриятларни тиклаш ва жамият ҳаётига қайтадан жорий қилиш йўли билан жамиятни ҳозирги инқироз ҳолатидан чиқариш мумкин, дейди Шелер¹.

Шундай қилиб, Шелер фалсафасида инсон масаласи марказий ўринни эгаллайди. Шелерга кўра, инсон руҳий мавжудот, ҳаётий жўшқинлик ва барчасига кириб борувчи руҳ инсон борлигининг асосий принциплари

¹ Шеллер Макс. Положение человека в космосе. Избран произв. - М.: 1994.Стр-66.

хисобланади. Шелер ғоялари ҳаёт фалсафаси ва экзистенциализм фалсафасига ўзининг улкан таъсирини ўтказди. Шелер ғоялари кейинчалик турли фалсафий-антропологик таълимотларга бориб қўшилади.

Адабиётлар:

1. Шелер Макс. Положение человека в космосе. Избран произв. - М. : 1994.
2. Западная философия XX века. - М. : 1994.
3. Современная западная социология: словарь. М. - 1990.
4. Шаповолов В. Основы философии современности. К итогам ХХ века. - М. :Наука, 1998.
5. Фарб фалсафаси (Қ. Назаров ва бошқалар) -Т. : Шарқ, 2004